

Ozbekiston ovozi

Шу азиз ватан — барчамизники

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ 2000 YIL 9 NOYABR PAYSHANBA № 131 (26.681)

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!
Барчамизни эришган улкан марра — пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартномавий режими муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Қўли гул, кўнгли очик, ҳиммати баянда Фарғона халқи тадбиркор ва ташаббускорлиги, ўз ишига фидойилиги билан азиз-азалдан бу муборак замин шўхратини дунёга тараннум этиб келадигани барчамизга яхши маълум.

Об-ҳаво ноқулай келган бу йилги мураккаб шароитда бор куч-қайратингиз, сабру мотанингизни ишга солиб, чинкам мардлик ва омиликорлик фазилатларини намойиш этиб, ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил олиб, 362 минг тонналик юксак ҳирмон бунёд этганингиз бу ҳақиқатини яна бир қарра тасдиқлаб турибди.

Пахтачилликдаги бу ютуқ қишлоқда бозор муносабатларини қарор топтириш, хўжалик юртишнинг замонавий шакллари билан чиқаришга жорий этиш, деҳқонларда ерга ва мулкка эгаллик тўғрисида шакллантириш, бир сўз билан айтганда, тўб илоҳотларни амалга ошириш борасида муҳим қадамлар қўйилгандан далолатдир.

Нафақат пахтачилликда, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам замонавий технологияларни қўллаш, Фарғона деҳқончилик мактабини илгор тажрибалар билан бойитиш яхши натижалар бераётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Қадри дўстлар!
Ўзлар Фарғонанинг миришкор пахтакорлари, лафзи ҳалол деҳқонларини, бутун вилоят аҳлини яна бир бор бағримга босиб, катта меҳнат галабаси билан самимий табриқлайман.

Келгуси ишларингизда барчамизга улкан зафарлар тилайман, ҳонадорларингиздан тинчлик-тотулик ва фойдаларни қўлга олишини. Халқимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги олжанов интилишларингизда Яратганингиз ўзи мададкор бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари негизда яратилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисолиси маънавий-мафкуравий ҳаётимизда янги босқични белгилаб берди. Мамлакатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан бошланадиган бу рисоланинг «Миллий ғоя ва мафкуралар тарихи», «Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш», «Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар», «Миллий истиқлол мафкураси», «Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онига синдириш» деб номланувчи беш бобда маънавий-маърифий тараққиётимиз тамойиллари, Ватан равнақи, ёш авлодни юксак миллий ва умуминсоний кадрлар тарбиясида тарбиялашнинг муҳим масалалари баён этилган.

Вазирлар Маҳкамасида мазкур масалалар юзасидан ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янги-ларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси, «Миллий истиқлол мафкураси» концепциясини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Ешларимизда аждодларимиз мероси, кўп асрлик урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни қадрлаш,



ота-онага ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш, турли ёт ғояларга қарши мафкуравий кучни шакллантириш энг долзарб вазифа эканлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисолиси жамиятимизнинг турли қатламлари орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ҳақда гоёвий-мафкуравий тарғибот ишларини кучайтиришга жиддий туртки беради, ана шу соҳадаги амалий ишлар йўналишини белгилаб олишга хизмат қилади. Бу эса мазкур фаолиятда иштирок этаётган жамоат ташкилотлари фаолиятини янги талаблар асосида ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Йиғилишда сўзга чиққан республика таълим тизими, оммавий ахборот воситалари вакиллари, адиб ва мутахассислар бу йўналишда олиб борилаётган ва амалга оширилиши лозим бўлган муҳим чора-тадбирлар тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Рисоланинг ҳар бир бобини илмий-амалий, назарий-фалсафий тафсир этиш мақсадида ишчи гуруҳлари тузилгани, уларнинг таркибига республикада таниқли олимлар ва

ижодкорлар киритилгани, рисола моҳиятини халқнинг турли табақа ва қатламларига содда ва раво, тушунарли тилда етказиш, уни ўтмишдаги буюк алломаларимиз қарашлари билан бойитиш муҳимлиги қайд этилди.

Сўзга чиққанлар рисола-нинг, айниқса, «Миллий истиқлол мафкураси» деб номланган тўртинчи бобига алоҳида тўхталдилар. Ушбу боб ва умуман, рисола-нинг ҳар бир бандини ўрганишнинг чўқур илмий-фалсафий базасини яратиш, теран тадқиқотлар олиб бориш, диссертацияларга мавзулар белгилаш борасида мулоҳазалар билдирди.

Рисолани ўрганиш ва миллий истиқлол ғоясини кишилар онги ва қалбига синдиришда тажрибали муаллимлар, маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхоналарида бевосита халқ билан мулоқотта киришадиган маърузачилар кучидан унумли фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бунинг учун эса ушбу рисола нафақат ўқув даргоҳлари, айни чоғда ҳар бир жондонга кириб бормого зарурдир.

Шунингдек, йиғилишда таълим тизимининг барча бўғинлари учун дарсликлар яратиш ишига ёш илмий-педагог кадрларни кенг жалб этиш, дарслик муаллифларини рағбатлантириш мақсадида уларга илмий унвон ва даражалар бериш юзасидан меъёрий ҳужжатлар лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди.

■ (ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. С. АЗИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Макроиқтисодиёт ва статистика вазири этиб тайинлансин ва шу муносабат билан у Бош

вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазири вазираданд озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2000 йил 8 ноябрь

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. Б. НУРМУРОДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамаризо Бердимуродович Нурмуродов Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2000 йил 8 ноябрь

И.КАРИМОВ

ПЕШОНАСИ



ЎРУФ КЕЛАЖАК

■ Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурат

РАИС ЖУРНАЛИСТ БЎЛСА

Пайариқ туманининг «Халқобод» ширкат хўжалиги ҳудудига қарашли кичкина «Галлакор» маҳалласи келгуси йил учун 25 минг сўмлик газета ва журналларга обуна бўлишди. Маҳалла аъзолари буни «Маҳалла қўмитаси раиси журналист бўлганда кейин газета-журнал ўқимай қўр-чи», — деб ҳазил билан изоҳлашди. Ҳазилнинг чини ҳам бор — бир маҳалла учун анча-мунча деса бўладиган юқоридagi маърифий кўрсаткичда маҳалла раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси Яллабой Нуриддиновнинг ҳам ҳиссаси бор.

Хуллас, «Галлакор» маҳалласи келгуси йил «Ўзбекистон овози», «Маҳалла», «Зарафшон», «Кўксарой», «Пайариқ ҳаёти», «Саодат» каби газета ва журналларни маза қилиб ўқишадиган бўлишди.

■ Шерали УМАРОВ,
Озтепа алоқа бўлими бошлиғи

«ОБУНА — 2001»

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

Республика Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бириктирилган ташаббуси билан Мухаммад Абдулқадир Давлат мусиқали драма театрида улкан санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотининг совриндори Раззоқ Ҳамроев таваллудининг тўқсон йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Миллий мусиқали театр санъатимиз равнақида салмоқли ҳисса қўлган санъаткорнинг нақадар самимий, бағрикент инсон бўгани кўпга саҳна ва экран асарлари орқали халқимизга яхши маълумдир. Раззоқ Ҳамроев бир вақтнинг ўзида актёрлик, режиссёрлик ва педагогик соҳасида сермахсул ижод қилди. Унинг режиссёр сифатида саҳналаштирган «Фарғона тонг оттувчи», «Тош-болта ошиқ», «Нурхон» каби турли жанрдаги спектаклининг ўзининг ҳаётийлиги, юксак бадий илҳом билан томошабинлар юрагидан жой олган. Санъаткор «Тоҳир ва Зухра»да Нозим, «Утган кунлар»да Мирза-қарим кўтидор, «Абу Райҳон Беруний» фильмида Ибн Ироқ каби сиймолар орқали қаҳрамонларнинг тафаккури, руҳияти ва инсоний фазилатларини кенг очиб беришга муваффақ бўлган. Шу билан бирга у Тошкент санъат институтида узоқ йиллар мобайнида мусиқали драма актёрларини тайёрлаш борасида кўпга ёш истеъоддорларга устозлик қилган.

Тадбирда Раззоқ Ҳамроевнинг шоғирдлари элимиз эҳтиромига сазовор бўлган актёрнинг ҳаёт йўли, ижоди, фаолияти ҳақида сўзлаб, ёрқин хотираларни ёдга олишди. Шунингдек, Тошкент театралари ва «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бириктирилган жамоаларининг мусиқий дастурлари ҳамда санъаткор иштирок этган кинофильмлардан лавҳалар намойиш этилди.

Хотира кечасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев сўзга чиқди.

■ (ЎЗА)

Дам олиш кунини эди. Ҳеч қаерга чиқмайман. Уйда дам оламан деб, ният қилдим. Радио қулоғини бурардим. Қўшиқ бериларди. Миллий санъатимиз хусусида қўшиқларнинг саёз ва бачканалиги борасида матбуотда шунча гап-сузлар бўлсаю, буларга барибир экан-да деган уй билан бошқа канални ахтардим. Буниқис униқайдан олиб тулди. Бирор ёмон ҳодисага дуч келсак, буёки нима бўларкин, деган қизиқиш билан гоҳида шу нарсаларга эътибор бера бошлаймиз.

Нима ҳам қилардим — нари борса радионинг учириб қўлман. Ёқмас эшитмайман. Ке, чидайин, қани энди, қандай радиокороматнинг гувоҳи бўларканман деб ўйладим. Хорижий қўшиқ тугаши ҳамон, бошловчи йиғиннинг ҳавойи гаплари янгради. «Мени яхшилаб тингланг...» «Соат Тошкентда 16.00...» — дейди у. (Сурхондарёда-чи, Хоразмда-чи, бошқа вилоятларда-чи, соат 17.00 ми?) Кейин, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, инглизча ҳам гапириб қўяди. Гапи тугаши билан кетма-кет хорижий қўшиқлар эшитила бошлайди. Гўё сиз Ўзбекистонда-мас, Лондон ёки Парижда-ки. (Майли, битта хорижий қўшиқ берилса, шундай гапни ёзмайсиз).

Бир амаллаб эшитдим.

Бошловчи укамизнинг бирорта ёруғ фикри бордир. Деган уй билан саёр қилдим.

У эса «Энди ўзбекча бир қўшиқни кутиб олинг...» дея қойиб бўлди (қўшиқни қан-нар соянгдан», деб «қуйлаётган» укамизни ҳеч бир сўз билан таърифлаб бўлмайдим. Шунчалар асабга тегадими. «Менинг жонгинам»лаб жонингизни қўқийдо-

гай кутиб оласиз?). Эй, бундан кўра ҳалиги хорижий қўшиқларни эшитсам, авло эмасмиди, ҳар ҳолда мазмунини тушунам эдим-ку. Йўқ, бу қўшиқни ўзбекча деб бўлмайдим, буни қуйлаётган ҳам ўзбек дейишга тил бормайди. Шунча шангилаб, ўта беэза туруқсиз жумлалар тизмасини бақириб, «Қўзим ёшлар

нингизга келтирган бу отар-ка қаринишда турса тарсаки тортиб юборишингиз, мумкин.

Бу қандай қўшиқ? Сўзини ким ёзган? Мусиқасини ким басталаган? Нима бало, буларнинг миллий маънавий-тимизда, санъатимизда қасди борми? Наҳотки, қўшиқ ва қуйларимизни тинглаб, савиясига эътибор бериб,

бир хорижий қўшиқни ҳаво-да қилди. Бошловчининг самимийдан йиқиб, қуруқ ва чўчмак гапларини тинглаб, бир кунни булар сўзининг қаринишга йўлиқадиган деган хаёлга бордим. Бир соат мобайнида асабим зир қақшди. Бошловчи шу вақт ичиде Элополов, Нарғизахон ва ҳоказо... хонлар билан телефонда ёзғир

КИМДА КАСДИНГИЗ БОР?

сўнгра эрирга узатишга руҳсат берадиган бадий кенгаш йўқ? Агар бор бўлса, бу кенгаш қаерда, унда бу қўшиқлар қаердан, қандай қилиб «чиғирдик»дан соғомон утиб кетаяпти? Миям эриқради.

Бошловчи қимнингдир олис сафардан келгани муносабати билан унга атаб яна

БИЗ ТАНЛАГАН НАШР

пайти гаплашиб туриш, дудмал савол-жавобларга вақт ажратишни ҳам қанда қилмади. Кейин «Эйрақ» деб номланган радиоуйини бўлишини, бу ўйинни эшитиш мобайнида тингловчиларнинг ўз хатоларини англаши мўқаррарлигини ҳам айтиб ўтди. (Қизиқ, наҳотки шу ўйин асосида мен ўз хатоларимни тушуниб етсам? Қанақа хато? Гапни шундай пала-партлиш гапириб мумкинми?)

— Учир, — дедим биринчи синфда ўқийдиган қизимга. — Учир овозини йўқот, — дедим чидай олмади.

— Дада, бу «Гранд». Радио «Гранд» сизга ёқмайди-ми? — Сенга ёқадими шу? — Яхши-ку... Аламим келди. Қанчалаб ёшлар фарзандларимиз руҳиятига, тафаккурига ана шундай алмоий, тумтоқ гаплар ҳисси қўшиқлар билан ҳужум қилинаётганини ҳис қилдим. Соф ҳавонин тугун, чиқиндилар қуони эмас, ана шу каби заҳарли эшиттиришлар ва шанин айтишмалар ҳам булғабётганини англадим.

■ Қўқор НОРҚОБИЛ

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА «АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВЛАРИ КУНИ»

Қўшма Штатлардаги Президент сайловлари, вашингтонлик сўбсатчи Томас Манн ибораси билан айтганда, қизиқарли ва фабуллодда очик ўтиши билан Америка сўбсатиде узоқ муддатга из қолдириши мумкин. Партиясиз (республикачилар ва демократлар) кучлари тенг бўлганига бос рақобат кураши қизин борди. Тошкентда илк бор ўтказилган «АҚШ Президенти сайловлари кунини» иштирокчилари бунинг

шоҳиди бўлишди. АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ташкиллаштирилган экран орқали Америкадаги сайловларнинг боришини кузатиш имконияти тушди. Номзодлар ўртасидаги кураш дегарли тенг борди. Ғолиб ким бўлишини Флорида штатидаги овоз бериш натижаларини ҳал этади.

■ Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КРАМНИК — ЧЕМПИОН

Ҳеч кимга юксак мартабаю омадни ҳам бир умрга боғлаб қўймаган. Гап шундаки, Лондонда шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати олдидан мухлислари мутахассислар билиб-билмай Гарри Каспаровга ён босишди. Жаҳон чемпионатининг имкониятларини 60:40 деб баҳолашди. Ҳақиқатан ҳам биринчи партияде Каспаров оқ доналар сурди. Бу эса унинг учрашувини ютуқ билан бошлашдан нишона эди. Рафсуски... Владимир Крамник жиддий рақиб эканини намойиш этиб, ўз шилдатини кўрсатди. Жами 16 партиядан иборат асримизнинг сунти учрашувиде Владимирнинг қўли баланглиги кўринди. Шунга қарамай, кўпчилик учрашув охирига қадар Каспаровнинг тажрибасига

умид боғлаб, у ҳали ўзини кўрсатади, деган уйда эди. Дарвоқе, Каспаровнинг натижалари ўша машҳур Фишерникидан юқори экани ҳаммага аён. У компьютер орқали аниқланган, 130 йил ичиде бўлиб ўтган 90 та супертурнирнинг 23 тасида устун келган. Карпов шундан 12 тасида зафар қочган бўлса, Ананд, Ласкер, Иванчук, Крамниклар 7 тадан галаба қилишган. Каспаров 22 ёшида жаҳон чемпиони бўлиб, қарийб 15 йил уни сақлаб турди. Мана энди асримиз охирида 25 ёшли Владимир Крамникка чемпионлиқни «топтириш»га мажбур бўлди. Янги аср чемпионининг қандай қароматлар кўрсатишини эса вақт кўрсатади.



XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГИ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Узбекистана»	— 121
«Осиё бозори»	— 174

ЕРУФ ХИБОН

Мустиқлик даври жамиятимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди...

Фаолияти билан яқиндан танишиш истаги туғилди. Хўш, радиостанциянинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

рус тилларида олиб борилади. Ўзбек тилида олиб бориладиган эшиттиришлар ўзбек эфирини деб номланган...



Ўтган вақт мобайнида қатор ёш истеъодлар кашф этилишига эришилди...


Ўтган вақт мобайнида қатор ёш истеъодлар кашф этилишига эришилди. Эшиттиришлар орасида «Олтин торлар» дастури катта аҳамиятга эга.

ИЗДАНИШСIZ ИЖОД ЙЎҚ

батлари давомида радиостанциямиз шаънига илқ галларни эшитиб қоламан. Бу бизни янги-янги зафарларга ундайди.

портмиш мақсадида фақат машур санъаткорларгагина аҳамият берилди. «Ўзбегим таронаси» бу ўйлан бормади.

га қадар Таваккал Қодиров, Тамарахоним, Карим Зокиров каби ардоқли санъаткорлар ҳақидаги эшиттиришлар эфирга узатилди.



эшиттиришлар ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Радиостанциянинг ибратли ишларида бири, у турли ижтимоий лойиҳа (ролик)лар пайёраб эфирга узатилади.

тингловчиларни мусиқа оламидаги янгилик ва композициялар билан тезкор таништириши таъминлайди. Келгусида ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Грин Пис каби халқаро ташкилотлар билан кенг кўламли алоқаларни ўйла кўйиш режага киртилган.

нинг илғор радиостанциялари билан ўзаро тажриба алмашиш юзасидан келишувлар мавжуд.

Радиостанция жамоаси у қадар катта эмас. Мени ҳайратла қолдирган ана шу кичик жамоанинг аҳлига...

Шухрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: радиостанция фаолиятдан лавҳалар.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

SPORT

ЧЕМПИОНАТ САВИЯСИНИ ОШИРИБ

Ўзбекистон футбол федерацияси мураббийлар кенгашининг йиғилиши бўлди. Федерация бош котиби этиб тайинланган Баҳодир Раҳимов футболимиз олдида турган долзарб муаммолар ҳақида сўзлаб, моҳир футболчиларни тарбиялаш, бош жамоага муносиб тўпурарларни жалб этиш миллий чемпионат савиясини ошириш билан боғлиқ эканини таъкидлади.

ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИДА

Туркияда 34-шахмат олимпиадаси давом этмоқда. Дона суриш баҳсларида шахматчи йиғитларимиз муносиб ҳаракат қилишмоқда. Р. Қосимжонов, С. Йўлдошев, М. Жумаев, Ш. Сафинлардан иборат шахматчиларимиз 126 жамоа орасида ўн учинчи бўлиб туришибди.

СУЮНЧИ

«КЎЗИЧОҚ» ОМОН ҚОЛДИ

Бўри, тулки ва кўзичоқ болаларнинг сеvimли ва машур қаҳрамонларидир. Уларнинг эртаклари мизга қайси замонларда ва қандай қилиб кириб қолганликлари номалум. Лекин энг асосийси, биз улардан ҳалигача безмаганмиз.

Забарҳад БОБОЖОНОВА

БОШ МУҲАРРИР

АЗИМ СУЮН

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

- Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбоб ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алишкул СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Ўзбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб «Голос Ўзбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Сайт ва хужж — 133-44-55
Икмасодий — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибати — 133-21-43
Режама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаришда — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи

Кўчор НОРҚОБИЛ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Икром ИСМОИЛОВ

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ўйлашдан ўтган тартиб

№ 00004
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. «Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади. Г — 702

Топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2000 йил 22 ноябрь кuni соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги

Аукцион савдоларига таклиф этади. Савдога қўйиладиган қўйилади:

- 1. Оққўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «Т-28 х 4», д-р 19-89 ТИ, бошлангич нархи — 30000 сўм.
2. Оққўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «Т-28 х 4», д-р 71-73 ТИ, бошлангич нархи — 20000 сўм.
3. Оққўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «Т-28 х 4», д-р 18-30 ТИ, бошлангич нархи — 59000 сўм.
4. Оққўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «Т-28 х 4», д-р 18-31 ТИ, бошлангич нархи — 35000 сўм.
5. Оққўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «Т-28 х 4», д-р 18-32 ТИ, бошлангич нархи — 39000 сўм.
6. Оққўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «Т-28 х 4», д-р 34-00 ТИ, бошлангич нархи — 25000 сўм.
7. Оққўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «Т-28 х 4», д-р 18-28 ТИ, бошлангич нархи — 30000 сўм.
8. Оққўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «Т-40», д-р 18-33 ТИ, бошлангич нархи — 53000 сўм.
9. Оққўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли «МТЗ-80», д-р 18-35 ТИ, бошлангич нархи — 62000 сўм.
10. Бўстонлик туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли «Раф-22031», д-р 97-73 ТШС, бошлангич нархи — 150000 сўм.
11. Тошкент вилоят ҳокимлигига қарашли «ГАЗ-31029», д-р 10ТВ214, бошлангич нархи — 324000 сўм.
12. Тошкент вилоят ҳокимлигига қарашли «ГАЗ-31029», д-р 10ТВ207, бошлангич нархи — 324000 сўм.
13. Тошкент вилоят ҳокимлигига қарашли «Тико», д-р 10АА141, бошлангич нархи — 391000 сўм.
13 декабрь кuni соат 11.00 да Янгийўл туманида жойлашган «Сут булери» фермер ҳужалигининг мол-мулклари, бошлангич нархи — 2300000 сўм.
Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иш-отлар ва автотранспортлар ҳам шу савдода сотилиши мумкин.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел.: 133-28-52, факс: 133-49-31.

Subscription form for 'O'zbekiston ovozi' newspaper. Includes fields for name, address, phone, and subscription details for 2001.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибати Қашқадарь вилоят ҳокими муовини, вилоят партия кенгаши икромия бюросининг аъзоси Райим РАҲМОНОВнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.